

Шартнома тузилмаси

“Ўзбек тилидан хитой тилига иқтисодиёт ва савдо – сотиқ соҳасига оид шартнома матнларини таржима қилиш усуллари” деб номланган диссертация мавзусидан келиб чиққан ҳолда ушбу мақоламизда мазкур йўналишига оид бўлган шартномаларга қўйиладиган амалий талабларни кўриб чиқамиз.

Ҳар қандай шартномани шартли равишда 4 қисмга бўлиш мумкин:

- 1) Преамбула (кириш қисми);
- 2) Шартнома предмети;
- 3) Шартноманинг қўшимча шартлари;
- 4) Шартноманинг қолган шартлари.

1.Преамбула (кириш қисми)

1.Шартноманинг номи (олди-сотди шартномаси, етказиб бериш шартномаси, комиссия шартномаси, транспорт хизматлари шартномаси, ижара шартномаси, қўшма шартнома ва ҳ.к) у қандай ҳуқуқий муносабатларни белгилаб бераётганини тушуниш имкониятини беради, аммо шартноманинг моҳияти номидан эмас, мазмунидан келиб чиқишини ёдда тутиш лозим. Агар шартноманинг номи бўлмаса, бунда шартноманинг мазмуни билиш учун дастлаб шартномани ўқиб чиқиш лозим, кейин эса унинг моҳиятини тушуниш керак.

2. Шартномани имзолаш санаси. У ўз ичига имзолашнинг санаси, ойи ва йилини киритади. Бу барча реквезидлар билан шартномани имзолаш пайтини ҳамда унинг амалда бўлиш муддатини яқунланишининг аниқ вақтиини тўғри белгилаш боғлиқ. Бу эса маълум ҳуқуқий оқибатларни ҳам белгилаб беради.

3. Шартномани имзолаш жойи (шаҳар ёки аҳоли пункти).

Шартнома, битимни амалга ошириш жойини кўрсатиш, оддий расмийлик эмас, у баъзида катта юридик аҳамиятга эга. Битим амалга оширилган жойнинг қонунчилигига мувофиқ қуйидагилар белгиланади:

а) шартнома, битимни имзолаган шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати ва салоҳияти;

б) битим, шартнома шакли;

в) битим шартномадан пайдо бўлган мажбуриятлар.

4. Контур агентнинг тўлиқ фирма номи, бу ном остида контур агент давлат рўйхатдан олиш реестрида рўйхатдан ўтагн бўлиши лозим ва шартнома бўйича томонларнинг қискартирилагн номи (буюртмачи, харидор, ижарачи, ижара берувчи каби).

5. Шартномани имзолаётган шахсларнинг лавозими, исми, шарифи ва отасининг исми ҳамда уларни шартнома тузишга бўлган ваколатларига кўрсатма.

II. Шартнома предмети.

Шартноманинг мазкур қисми унинг аҳамиятли шартларини ўз чиига қамраб олади:

1. Шартнома предмети, яъни томонлар нима ҳақида келишиб олаётганликлари;

2. Шартнома бўйича биринчи томоннинг мажбурият ва ҳуқуқлари;

3. Шартнома бўйича иккинчи томоннинг мажбурият ва ҳуқуқлари;

4. Шартнома қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби;

5. Томонлар ўз мажбуриятларини бажариш муддати.

Бу шартларнинг муайян мазмуни шартнома тури ва уни имзоланишининг муайян вазиятига боғлиқ.

III. Шартноманинг қўшимча шартлари.

Мазкур бўлим ўз ичига ҳар бир шартномада назарда тутилиши мажбурий бўлмаган шартларни киритади, аммо томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга аҳамиятли даражада таъсир қилади.

1. Шартноманинг амалда бўлиш муддати. Томонлар мажбуриятларини бажариш муддатлари кўрсатилган бўлсада, шартнома амалда бўлиш муддатини ҳам қайд этиш лозим. Шартнома ўз амалда бўлиш муддати қачон

тугашини билиш, контур агентга мувофиқ талабларини қўйиш муддатини аниқлаш билан шартланган.

2. Томонларнинг масъулияти.

У шартнома шартларини томонлардан бири бузганда, мажбуриятларини ижро этишни таъминлаб беради, одатда, келишилган шартларнинг бирини ўз мажбуриятини бажармаган ҳолда контур агент тўлайдиган жарима кўринишидаги турли санкциялар белгилаб берилади.

Шартнома тузишда масъулиятни белгилашнинг қуйидаги услубини таклиф қилиш мумкин: томонларнинг ҳар бирмажбуриятига қарши мувофиқ масъулият назарда тулиши лозим, асосан, жарима тўлаш шаклида. Бу контур агент мажбуриятларини тўлқи бажармаган ҳолида вужудга келган зарарлар айнан шу контур агентдан олинishi мумкинлигидан далолат беради.

3. Мажбуриятларни таъминлаш услублари.

Россия фуқаро қонунчилиги мажбуриятларни таъминлашнинг қуйидаги асосий услубларини назарда тутди (РФ фуқаро Кодексининг 329 моддаси); гаров қарздорнинг мулкани ушлаб қолиш, кафилликка олиш, банк кафолати, олдиндан пул бериб қўйиш. Бундан ташқари, қонунда назарда тутилган ёки шартноманинг ўзида назарда тутилган бошқа услублар ҳам қўлланилиши мумкин.

4. Томонлар ўртасида шартнома бўйича пайдо бўлган баҳсларни ҳал қилиш тартиби. Томонлар ўртасидаги барча баҳслар РФнинг қонунчилигига мувофиқ Арбитраж судида кўриб чиқилади, аммо томонлар ўзга ҳолатни белгилашлари мумкин, хусусан, баҳсларни Арбитраж судида кўриб чиқишни ҳам назарда тутиши ҳам мумкин.

IV. Шартноманинг қолган шартлари

Бу шартлар ўз ичига қуйидаги саволларни киритиши мумкин:

1. Томонларнинг муносабатларининг тартибга солувчи қонунчилик (бу ташқи савдо ва шартномалар учун айниқса муҳим);

2. Томонлар ўртасида алоқани келишиш хусусияти.

Бу ерда томонлар учун қуйилагилар кўрсатилади:

а) шартномани ижро этилишига мансуб бўлган ахборотни бериш ва масалаларини ҳал қилишга ваколатли шахслар;

Бу икки йўл билан расмийлаштирилиши мумкин: ваколатли шахс ёки шахсларнинг исм-шарифи кўрсатилган ҳолда ёки иш лавозимини кўрсатган ҳолда;

б) томонлар ўртасида алоқа муддати. Масалан ҳар сешанба соат ___дан.

в) алоқа услублари: телефон, телеграф, факс ва телекс ва ҳ.

3. Шартномадан олдинги ишнинг тақдири ва уни шартнома имзолагандан сўнг натижалар.

Мазкур бўлимга мувофиқ барча томонлар мазкур шартномани имзолагандан сўнг бу шартнома борасидаги барча дастлабки музокаралар, ёзишмалар, дастлабки келишув ва хоҳиш-истаклар ҳақидаги баённомалар кучини йўқотиши ҳақидаги ҳолатни ўз ичига олади.

4. Томонлар реквизитлари.

а) почта реквизитлари;

б) корхонанинг манзили, жойлашган жойи;

в) томонларнинг банк реквизитлари (ҳисоб-китоб рақами, банк муассасаси, банк коди, МФО ёки РКЦ маълумотлари);

г) юк ташиш учун реквизитлари (темирйўл жўнатмалари, контейнерлар учун, кичик жўнатмалар учун).

5. Шартнома нусхаларининг сони.

Айтиш мумкинки, ҳар бир шартномада тегишли талаблар аниқ кўрсатилган бўлиши шарт. Кейинги мақолаларимизда аниқ соҳага оид бўлган шартнома матнларини кўриб чиқамиз.